

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 132 (10.185)

2004 ЙИЛ 12 ИЮЛЬ

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

**XVI сарфоси**  
Барча манбалардан  
олинган сўнгги хабарлар

Аввал хабар берилганидек 9 июль кuni Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилояти ҳаётимизнинг барча соҳаларида ўзига хос юксак салоҳиятини намoён этаётгани, унинг юртини ривожига катта улуш қўшаётгани ва намуна бўладиган кўндан-кўп жиҳатлари борлиги ҳақида гапирди. Биз буни Самарқанд зами-нида ўзарo тoтув ва ҳамжихат яшаётган кўп миллатли аҳоли тимсолида, ижтимоий инфратузилмалар, етакчи олий ўқув юртлири, фан ва маданият масканлари фаолиятида, саноат, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида, вилоятнинг бугунги ҳаёти ва буюк истиқболга интилишида кўришимиз мумкин.

Шу билан бирга, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, сессияда гап вилоят ҳокими ва умуман вилоят раҳбариятининг иши, вилоят ҳаётига таъсири, номақбул оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган айрим ҳолатлар, бошқача айтганда, юзага келган носoғлом муҳит ва уни бартараф этиш, тегишли чоралар кўриш ҳақида борди.

Вилоятда сўнгги олти-етти ой давомида бажарилган ишлар таҳлили Самарқанд вилояти ва шаҳрида вазиятнинг тобора кескинлашиб бoраётганини, ҳозирги вақтда кўпгина ноҳўй хатти-ҳаракатлар, жиноий ишлар очилаётганини, ўз вазифасини суиистеъмоил қилиш ҳолатлари, адолат бузилиши, энг ачинарлиси, гуруҳбозлик, маҳаллийчилик кўринишлари, кадрларни тарбиялаш, танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларида жид-

дий нуқсонлар борлигини кўрсатмоқда.

Президентимиз уқтирганидек, бундай вазиятда жойларда ишлаётган минглаб одамларнинг адолатга, ҳаётга, эртанги кунга ишончи йўқолиши, улардаги ташаббускорлик, изланувчанлик ва меҳнатсеварлик интилишларига путур етиши мумкин. Вилоятдаги тadbиркор ва изланувчан раҳбар ва мутахассисларнинг ҳам ишдан кўли совиб қолади. Ўз вақтида бундай хавфни сезмаслик ва унга қарши тегишли чораларни кўрмаслик оғир оқибатларга олиб келиши шубҳасиз.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Рустам Холмуродов Самарқанд вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислom Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги лавозимида ишлаб келаётган Мамаризo Нурмурoдов Самарқанд вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Самарқанд бўлими раиси Темур Ширинов, Самарқанд шаҳридаги 1-педагогика коллежи директори Дўпал Носирова, Нарпай тумани ҳокими Акбар Жамилов ва бошқалар Президентимиз нутқида келтирган танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни масъулият билан адо этиш вилоят аҳлининг муҳим бурчи эканини таъкидлади.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг

ФАРМОНИ

М.Б.Нурмуратовни

Самарқанд вилоятининг

ҳокими этиб тайинлаш

тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Мамаризo Бердимуратович Нурмуратов Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2004 йил 9 июль

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг

ФАРМОНИ

Р.И. Холмуродовни

Самарқанд вилоятининг

ҳокими вазифасидан озод

қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Рустам Ибрагимович Холмуродов Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2004 йил 9 июль

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
ҚАРОИ

2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида» 2004 йил 21 майдаги ПФ-3431-сон Фармони билан бажариш юзасидан ҳамда умумий ўрта таълим тизимини тубдан яхшилаш, энг юксак, замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув-моддий базасини ва таълим стандартларини шакллантириш, қишлоқ ва шаҳар мактабларининг моддий базаси ҳамда жиҳозланишидаги тафовутларни босқичма-босқич бартараф этиш асосида болаларни ўқитиш учун тенг шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 февралдаги Ф-1910-сон фармойиши билан тузилган Махсус комиссия томонидан ишлаб чиқилган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш тadbирлари маълумлансин, унда қуйидагилар назарда тутилди:

умумтаълим мактаблари биноларини ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тубдан янгилаш ва капитал реконструкция қилиш;

мактабларни замонавий ўқув ва ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер тех-

никаси, дарсликлар ва ўқув-усулбий материаллар билан жиҳозлаш;

таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш;

умумтаълим мактабларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, улар меҳнати-ни рағбатлантиришни кучайтириш;

умумтаълим мактаблари спорт базасини мустаҳкамлаш ва уларда спортни ривожлантириш.

Давоми 2-бетда.

ПОЙТАХТНИНГ  
Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА  
санаҳларда

• **ЯПОНИЯНИНГ** Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан «Карвон» маданият саройига Япония ҳукумати томонидан грант ажратилганлигига бағишланган тadbир бўлиб ўтди.

• **ТОШКЕНТ** Ирригация ва мелиорация институтида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги олимларининг халқаро алоқаларига оид анжуман ўтказилиб, унда ушбу соҳани ривожлантиришнинг долзарб муаммолари муҳокама қилинди.

• **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодиёт университетиде битирувчи магистрларга дипломлар топширилди.

• **БАДИИЙ** Академиянинг Марказий кўргазмалар залида rassom Анвар Нўмонов асарлари кўргазмаси намойиш этилди.

• **ШАҲРИМИЗДА** санъаткорлар, театр илҳосмандлари иштирокида актёр Дилбар Қосимованинг 70 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Жаҳонда

• Австриянинг апрель ойида сайланган янги Президенти Хайнс Фишернинг тантанали қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

• Айна пайтда Италия бюджетининг қамомади кескин тарзда ўсиб бoрмоқда. Шу сабабдан мамлакат иқтисодиёт вазир Жулио Трeмoнти парламeнтдаги ҳукумат тарафдорлари билан бўлиб ўтган кескин музокаралардан сўнг истеъфога чиқди. Унинг вазифасини бош вазир Сильвио Берлусконни вақтинча бажариб туради.

• Хитой космик агентлиги раҳбари Сунь Лайнинг маълумотига кўра, 3 йилдан кейин Хитой ойга ўз фазo экспедициясини жўнатади.

• Жанубий Кореяда Американинг «У-2» разведкачи самолёти ҳалокатга учради. «Ренхат» ахборот агентлигининг хабар беришича, самолёт учувчиси ҳаётдан кўз юмган.

• Италиянинг Альп тоғларида ҳавонинг кескин ўзгарши натижасида 4225 метрлик Кастор қоясини забт этмоқчи бўлган франциялик альпинистлар ҳалокатга учради. Натижада 4 нафар альпинист ҳаётдан кўз юмди, икки нафари эса оғир яраланган ҳолда касалхонага ётқизилди.

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

### 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Давоми. Боши 1-бетда.

#### 2. Куйидагилар:

бузиб ташланганидан авария ҳолатидаги мактаблар ўрнига янги мактаблар қуриш, мактабларни, шу жумладан боғиш қийин бўлган минтақалардаги мактабларни капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш параметрлари;

умумтаълим мактабларининг спорт иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш параметрлари тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда, ушбу қарорнинг 2-бандида тасдиқланган параметрлардан келиб чиққан ҳолда 2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини тиклашнинг аниқ ҳудудий дастурларини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар. Шу билан бирга, капитал реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш даврида тикланаётган мактаблар ўқувчиларини яқинда жойлашган мактабларга ва бошқа умумтаълим муассасаларига, ўқув жараёнига зарар етказмаган ҳолда вақтинчалик ўтказишнинг аниқ жадвали ва жойлашуви ишлаб чиқилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳар йили Инвестиция дастури лойиҳасини ва аниқ рўйхатларни шакллантиришда бузиб ташланганидан мактаблар ўрнига янгидан қуриладиган, капитал реконструкция қилинадиган, капитал ва жорий таъмирланган умумтаълим мактаблари сонини ва рўйхатини, ишларни молиялаштириш ҳажмларини белгилаган ҳолда, аниқ кўрсаткичлар. Бунда капитал реконструкция қилинадиган, капитал ва жорий таъмирланган мактабларни тиклаш ишларининг бир тоифасидан бошқасига ўтказиш қатъиян тақиқлансин, параметрларга қатъий риоя қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 февралдаги Ф-1910-сон фармойиши билан ташкил этилган Махсус комиссияга Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг тақдимномасига биноан тасдиқланган умумий параметрлар доирасида умумтаълим мактабларини қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг ҳар йили тасдиқланадиган аниқ рўйхатига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

#### 5. Куйидагилар:

бузиб ташланадиган мактаб бинолари ўрнига янгиларини қуриш, мактабларни капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш бўйича чекланган норматив харажатларини ва

намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича «УзшахарсозликЛИТИ» очик акциядорлик жамияти, «Ўзқишлоқлойиҳа» очик акциядорлик жамияти ҳамда «Ўзмеъморқурилишлойиҳа» очик акциядорлик жамияти бош институтлар этиб белгиланганлиги;

кўрсатиб ўтилган лойиҳалаш институтлари томонидан янги қурилиш учун 6 намунавий лойиҳа, капитал реконструкция қилиш учун 51 намунавий лойиҳа, капитал таъмирлаш учун харажатларнинг чекланган нормативлари кўрсатилган лойиҳа ечимларининг 10 та альбомини, жорий таъмирлаш учун харажатларнинг чекланган нормативлари кўрсатилган лойиҳа ечимларининг 5 та альбомини, шунингдек умумтаълим мактаблари айрим узеллари ва конструкцияларини мустақамлашнинг 220 лойиҳа ечими кўрсатилган намунавий альбом ишлаб чиқилганлиги;

умумтаълим мактабларини янгидан қуриш юзасидан намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқишда ўқувчи ўринларининг чекланган сони шаҳар жойларда 945 ўрин, қишлоқ жойларда - 630 ўрин ва тоғли ҳамда узоқ минтақаларда - 160 ўрингача этиб белгиланганлиги;

мактабларни тиклаш ишларини амалга оширишда намунавий лойиҳаларга ҳамда тасдиқланган қурилиш меъёрлари ва қондаларига риоя қилиниши учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» кўмитасига юкланиши;

тасдиқланган намунавий лойиҳалар ва лойиҳа ечимларини аниқ шароитларга боғлашда улардан четга чиқишга фақат бош лойиҳалаш институтлари билан келишилганда ва Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» кўмитаси томонидан тасдиқлангандан кейин йўл қўйилиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. Белгилаб қўйилсинки: янги қурилган ва капитал реконструкция қилинган умумтаълим мактаблари объектларини қабул қилиш тасдиқланган сифат стандартларига ва намунавий лойиҳаларга қатъий риоя қилган ҳолда Давлат комиссияси томонидан амалга оширилади;

архитектура-қурилиш назоратини амалга ошириш ваколати берилган органлар ҳулосаси бўйича аниқланган стандартлар ва намунавий лойиҳалардан четга чиқиш ҳоллари мавжуд бўлганда сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишлари қиймати миқдоридида иш ҳажмлари қурилиш қийматидан чиқарилади ёки камчиликлар айбдор томонинг маблағлари ҳисобига бартараф этилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизматларига Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» кўмитасининг вакиллари бириктириб қўйилсин, уларга олиб бориладиган ишларнинг тасдиқланган намунавий лойиҳаларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига мувофиқлиги

таъминланиши учун жавобгарлик юклансин.

8. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» кўмитаси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда, бузиб ташланганидан мактаблар ўрнига қуриладиган янги объектларни мактабларни капитал реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини фойдаланишга тайёр ҳолда бажариш шартларида ҳамда фақат тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича пудрат танлов савдоларининг ўз вақтида ўтказилишини таъминласин;

мактабларни қуриш, капитал реконструкция қилиш ва таъмирлаш юзасидан буюртмачилар ва пудратчилар ўртасида пудрат шартномалари тузилиши ва шартнома мажбуриятлари бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб борсин;

ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига шартнома мажбуриятлари бажарилиши мониторинги натижалари, лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларининг сифати тўғрисида ахборот тақдим этсин.

9. «Давархитектқурилиш» кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Давлат спорт кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан биргаликда:

умумтаълим мактаблари ҳузуридаги спорт иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш юзасидан амалдаги норматив ҳужжатларни икки ой муддатда қайта қўриб чиқсин; умумтаълим мактаблари ҳузуридаги замонавий ва ихчам жисмоний тарбия спорт комплексининг бир қатор намунавий лойиҳаларини 2004 йил охиригача ишлаб чиқсин ва тасдиқласин; тасдиқланган кўрсаткичларга мувофиқ, намунавий лойиҳалар асосида ҳар бир қишлоқ мактабидида жисмоний тарбия-спорт комплекси барпо этилишини таъминласин.


10. Махсус комиссия (Ш.М.Мирзиёев)га 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг амалга оширилиши юзасидан мунтазам мониторинг олиб бориш юклансин.

Махсус комиссия ҳар йили календарь йил ва ярим йиллик якунлари бўйича Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг бажарилиши натижалари тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида ахборот берсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси  
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2004 йил 9 июль



**Жаҳон ва маҳаллий  
ахборот воситалари  
хабарларидан**

• Индонезия тарихида биринчи бор мамлакат президенти тўғридан-тўғри халқ томонидан сайланганидан бўлди. Шу пайтгача давлат раҳбарини парламент сайларди. Кузатувчиларнинг фикрича, катта ҳудудга ва 150 миллион сайловчига эга бўлган мамлакатда бу каби тадбирни ўтказиш осон кечмаслиги аниқ.

• Хиндистонда ядро бомбасини узоқ масофага элтувчи «Агни 1» деб номланувчи ракета синовдан муваффақиятли ўтди, дея хабар берди мамлакат мудофаа вазирлиги. Ракета Хиндистон шарқидаги Орисса штатида ишлаб чиқаририлган. У 1200 километргача уча олади.

• Қуддус шаҳрининг Ислам санъати музейида «Ўзбек ипагида ранглар жилоси» номли хонатлас кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазманинг очилиш маросимида Қуддус шаҳри ҳокими Ури Лулопанис, музей бошқарув раиси Эли Хан, дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари, ҳукумат ва нодавлат муассасалари вакиллари, фан ва маданият намояндalарини иштирок этдилар.

• Кунчиқар мамлакатдаги етакчи телеканаллардан бири «ТBS» (Tokyo Broadcasting System) дастурида Ўзбекистоннинг қадимий тарихига бағишланган янги илмий-оммабоп фильм намойиш этилди. Унга «TV Man Union Inc.» компанияси ижодкорлари продюсерлик қилишган.

• Ҳарбий жиноятлар бўйича халқаро трибунал собиқ Югославия президенти Слободан Милошевич тақдирини қандай ҳал қилиш ҳақида бош қотирмоқда. Ўтган hafta бошида суд жараёнини тўхатишга мажбур бўлинган. Унга сабаб сифатида Милошевичнинг соғлиғи оғирлашгани эътироф этилмоқда. Суд собиқ Югославия президенти инсониятга қарши жиноятларда ва геноцидда айблamoқда.

• «Сосиете Женерал» банки етакчилигидаги синдикат етказилган берилган 1 миллиард долларлик кредит бўйича Россиянинг «ЮКОС» нефть компаниясига дефолт эълон қилинди. «ЮКОС»нинг акционерларидан бири «Роксуэлл Холдингс» инвестицион компанияси Нью-Йорк судига даъво аризасини киритган. Ҳозирда «ЮКОС» компаниясининг ҳисоб рақамлари вақтинча ёпилган.

• Туркия маҳаллий ахборотининг хабар тарқатишчи, ҳукумат Истамбул марказида намойишга чиққан турк миллатига мансуб 14 одамни қамоққа олишга буйруқ берган. Reuters ахборот агентлигининг маълум қилишича, намойишчилар қуртлар етакчиси Абдулла Ажалонни ҳимоя қилиб чиқишди.

## МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Тошкент вилояти ҳокимлигида Ўзбекистонда 2004 йилда эркин демократик сайловлар ўтказишнинг ҳуқуқий асосларига бағишланган минтақавий семинар-тренинг бўлиб ўтди. Тadbир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партияларнинг вилоят ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, жамoат ташкилотлари, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, хотин-қизлар кўмитасининг вилоят, туман, шаҳар бўлинмалари, вилоят, туман, шаҳар халқ таълими бўлими раҳбарлари ва ходимлари учун ташкил қилинди.

Семинар-тренингни Тошкент вилояти ҳокими К.Тўлаганов очди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Бўришот Мустафоеви «Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигининг ҳуқуқий асослари ҳамда 2004

йилда парламент сайлови кампаниясини уюштириш масалалари» мавзусида маъруза қилди.

Сенат, Қонунчилик палатаси - Ўзбекистон фуқаролари учун бу янги тушунчалар шу йил декабрь ойида Олий Мах-

лис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловлардан кейин ҳақиқатга айланади.

Тadbирда «Сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари ҳамда сайловолди

кампаниясида сиёсий одоб доирасида иш тутиш муаммолари», «Хотин-қизлар ва ёшлар - сайлов жараёнининг фаол иштирокчилари», «Маҳалланинг сайлов жараёнидаги иштироки», «Ўзбекистон Республикасида транспарент / ошқора ва очик/ сайлов жараёнининг механизмлари ва сайлов кампаниясининг ташвиқот-реклама таъминоти» мавзуларида ҳам маърузалар тингланди.

Семинар эркин фикр алмашувларга бой бўлди. Иштирокчилар ўзларни қизиқтирган бarcha саволларга батафсил жавоб олдилар.

ЎЗА





**Маълим**

**БИТИРУВЧИЛАРГА ДИПЛОМ  
ТОПШИРИЛДИ**

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртлири, касб-хунаар коллежлари, академик лицей ва мактабларнинг битирувчиларига диплом ва аттестат топшириш маросимлари бўлиб ўтмоқда.

Куни кеча Тошкент автомобиль йўллари институтида бакалаврият ва магистрлик бўйича таълим олган битирувчи талабаларга дипломлар топширилди. Ушбу маросимга институтни битириб кетган собиқ талабалар, ота-оналар ва битирувчи талабалар йиғилдилар.

Тадбирни институт ректори Сарвар Қодиров очиб, битирувчи ёшларга келгусида омадлар тиланган ҳолда ушбу билим даргоҳида олган билимларини келгусида мустақил Ўзбекистонимизнинг янада ривож топиши йўлида муносиб ҳисса қўшишларига умид билдирди.

«Талабалик - олтин давр» деб бежиз айтилмайди. Олий ўқув юртини тамомлаётган битирувчи талабаларнинг қалбларида чексиз ҳаяжон, фахр-ифтихор туйғулари жўш урган. Чунки, улар ўзлари орзу қилган соҳа бўйича тўлиқ билим

олиб мақсадларига эришдилар. Энди улар катта ҳаёт оstonасига кадам қўйиб ўзлари танлаган соҳа бўйича етуқ мутахассис бўлиш ниятидалар.

Ушбу билим даргоҳини бу йил 650 талаба бакалавр, 96 талаба эса магистрлик даражаси бўйича битириб диплом олишга муассар бўлдилар. Талабаларга дипломларни институтнинг «Маънавият ва маърифат» ишлари бўйича биринчи проректори Дағар Расулов тантанали равишда топширди. Шундан сўнг битирувчи ёшлар ҳам сўзга чиқиб ўстозларига қалб сўзларини айтиб, ўз миннатдорчиликларини билдирдилар. Йиғилиш сўнида семинли хонандалар ҳамда институт қошидаги «Сано» эстрада гуруҳи ижросида янграган кувноқ куй-қўшиқлар, гўзал рақслар йиғилганлар қалбига хуш кайфият улашди.

Дилором ИКРОМОВА

Берлинда ушбу мавзуда таникли немис фоторассоми Карин Айзенманн асарлари кўргазмаси очилди.

**“ЎЗБЕКИСТОННИНГ  
ТАРИХИЙ  
МЕЪМОРЧИЛИГИ”**

К.Айзенманннинг Ўзбекистонга, унинг маънавий бойлигига ҳурмат ва самимий муҳаббат билан йўғрилган асарлари томошабинлар кўз ўнгига Самарқанд, Бухоро ва Хива меъморчилик дурдоналарининг салохияти, ранглар жиловаси ва нафис руҳдаги пардоз анъаналарини гавдалантиради.

Намойиш этилаётган қирққа яқин ижод намуналарида замонлар синовидан мағрурона ўтиб, ўзининг чуқур илдизлари ва тарихий хотирага содиқлиги-

ни сақлаб қолган ўзбек халқининг кўп асрлик меъморчилик санъати ҳақида ҳикоя қилинади, дея таъкидлаш мумкин.

Берлин ислом санъат музейи директори, профессор К.Хаазенинг қайд этишича, Ўзбекистон қадимий меъморчилигининг ноёб ва бетакрор қирралари бугунги кунда ҳам тадқиқотчилар, рассомлар ва сайёҳлар эътиборини ўзига торттиб келмоқда.

Фотокўргазма 12 сентябргача давом этади.

**ЮРТИМИЗ  
ҲАҚИДАГИ  
ФОТОКЎРГАЗМА**

Германиянинг Дюссельдорф шаҳрида замонавий Ўзбекистон ва унинг бой тарихига бағишланган фотокўргазма ташкил этилди.

Кўргазмага ташириб буюрган немис жамоатчилиги вакиллари, ишбилармонлар ва журналистлар Ўзбекистон етакчи фотосуратчиларининг ижодий ишлари билан яқиндан танишиши имконига эга бўлдилар. Бу суратларда Республикаимизнинг иқтисодий, фан ва маданият, спорт соҳаларида эришган ютуқлари, меъморчилик дурдоналари ҳамда ўзбек халқининг урф-одад ва анъаналари ўз ифодасини топган.

Шаҳар обер-бургомистери Йоахим Эрвин маз-

кур кўргазма Дюссельдорф аҳолисида катта қизиқиш уйғотганини эътироф этди. Унинг таъкидлашича, бу тадбир икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг изчил ривожланаётганидан далолат беради.

Шунингдек, кўргазма давомида намойиш этилган “Самарқанднинг мовий гумбазлари” ҳужжатли фильми йиғилганларнинг Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурларини бойитди.

А.АКБАРОВ,  
“Жаҳон” АА  
Берлин

**Санъат**

**МУХЛИСЛАРГА  
МАНЗУР  
ДАСТУР**

Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри мухлисларни янги концерт дастурлари билан хушнуд этиб келмоқда. Бундай қизиқарли томошалар оркестрнинг ёзги ижодий мавсуми давомида ҳам қўллаб уюштирилади.

Навбатдаги мусика кечаси дастури ҳам ранг-баранг мусика асарларидан ташкил топди. Европа композиторларининг чолгу асбоблар ва фортепиано ихроси учун ёзган асарлари ҳам тараннум этилди.

Композитор Глинканинг «Сомнабул» асари эса биринчи бор оркестр ихросида санъат ихлосмандлари эътиборига тақдим қилинди. Чайковскийнинг оркестр билан фортепиано учун ёзган мусикалари намуналари ҳам завқ-шавқ уйғотди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Фани Тўлаганов дирижёрлигида ўтган концерт мухлисларга манзур бўлди.

**БОЛАЛАР ХОР  
СТУДИЯСИ**

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театрида фаолият кўрсатаётган болалар хори студияси ёш истеъодлар учун маҳорат мактабига айланиб қолди.

Унда қатнашиб, ихрочилик малакасини оширган ёш хонандаларга хореография ва мусика билим юртлирида ўқиш учун йўланмалар берилди.

Студияни битирган дастлабки қадрларга берилган сертификатларда «хор артисти» деган ёзувга ҳам қўзингиз тушади.

Студия ёш истеъодлари постановка қилинган «Оқшомда учган турналар» деган операда ҳам қатнашдилар. Япон тилида сахна юзини кўрган бу спектакль япониялик санъаткорлар билан биргаликда юзага келди.

Студия ёш истеъодлари жаҳондаги 10 дан ортиқ тилларда яратилган хор асарларини ҳам бемалол ихро этидилар. Дилшоза АХМЕДНАЗАРОВА

**ЯНГИ**

**ҚЎЛЛАНМАЛАР**

Умумтаълим мактаблари учун санъатдан босмага тайёрланаётган ўқув адабиётларини яратишда тажрибали ўқитувчилар билан бирга кўзга қўринган иходкорлар ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар. «Рангтавир» деб номланган дарслик ҳам ана шундай илмий-ижодий ҳамкорлик маҳсули сифатида юзага келди.

Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон халқ таълими вазирилик, республика таълим маркази томонидан чоп этишга тавсия этилган ушбу дарслик 5-9-синф ўқувчиларига яхши совға бўлди.

Ўғил-қизларни таъсирий санъат оламига бошловчи, уларда мустақил иходкорлик қобилиятини ўстиришга хизмат қилувчи бу ўқув адабиётининг «Наторморт», «Лейзаж», «Композиция» бўлимларида берилган машқ намуналари ҳам эътиборни ўзига тортади.

Мактаблар учун яна «Расм чизиш», «Композиция асослари» деган янги қўлланмалар босмага тайёрланди.

Ақбар АЛИЕВ

**2004 — Меҳр ва мурувват йили**

**ЭЗГУ НИЯТ  
ЙЎЛДОШИНГИЗ  
БЎЛСИН**

Йилимизнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб номланиши қон-қонимизга сингиб кетган беминнат яхшилик қилиш, беморлар ҳолидан хабар олиш, кексаларни йўқлаш каби эзгуликка йўғрилган туйғуларимизни янада жонлантириб, юзага чиқишига туртки бўлди, йиқилганни суяшга чакирди десак асло муболага бўлмас керак. Бу тўғрида жуда кўп эшитяпмиз, кўряпмиз, ҳар биримиз имкон қадар хайрли ишларга бош қўшишга ҳаракат қиляпмиз.

Яқинда «Нуроний» жамгармасининг Сергели тумани бўлими тумандаги кекса, ногирон, боқувчисини йўқотган оилаларни моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлашга қаратилган яна бир эзгу юмушга бош қўшди. Яъни, тумандаги 12-очик акциядорлик жамияти қошидаги 23-ва 89-йўналишда фаолият юритаётган химматли инсон, йўналиш сардори Алишер Исмоилоҳунов ва унинг ёрдамчиси Фарход Баходировлар билан 33 та камхарж оилаларнинг уйларига бориб йўқланди. Ёрдамга муҳтож оилаларга озик-овқат маҳсулотлари ва 300.000 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

— Имкон борича беморлар ва ногирон фарзандлари бор оилаларни беминнат йўқлаши инсонийлик бурчимиз деб биламиз, — дейди Алишер Исмоилоҳунов. — Барча сафдошларимиз ҳам йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиб уларнинг миннатдорчилигига эришмоқдалар. Ахир инсондан бу дунёда фақат яхшилик қолади, шундай экан бир-биримизни қўллаб-қувватлашдан чарчамаслигимиз керак.

— Бундай хайрли ишларни қўллаб амалга оширмоқдамиз, — дейди биз билан суҳбатда «Нуроний» жамгармаси туман бўлими раиси Баҳодир Қурбанов. — Туман ҳокимлиги, туман «Маҳалла» жамгармаси, «Қамолот» ЕИҲИ туман бўлими Кенгаши билан ҳамкорликда меҳр ва мурувватга муҳтож оилалар мунтазам йўқланмоқда. Тумандаги 250 нафар уруш қатнашчилари, 30 нафар афгон уруши ва 5 нафар Чернобыль фожиасини бартараф этганлар, 15 нафар уруш орти меҳнат фахрийлари доимо эътиборимизда.

Хонадонларда бўлганимизда кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан тўқинланиб кетган кексаларнинг дил сўзларини қозғашга ҳаракат қиляпмиз.

**Раиса Панина, «Йўлдош» маҳалласи:**  
— Раҳмат яхши инсонлар. Бизнинг ҳам йўқловчимиз борлигидан бирсанглигимдан сўз тополмайман. Бирингизга минг берсин, соғ-омон, биз каби кексаларнинг дуоларини олиб юраверинглар.

**Эльвира ЖҲРАБОВА, Шукур Бураонов маҳалласи:**



— Инсонларга яхшилик қилишдан, кўнглини кўтаришдан ҳам ортиқроқ сабов бўлмас керак дунёда. Ҳаётда ёлғиз эмаслигининг сезиш қандай яхши.

**Мамадали ТУРСУНОВ, «Наврўз» маҳалласи:**

— Ёшим 82 да. Қандай қийин кунларни кўрганимиз. Урушнинг қақшатқич йилларидан ҳам омон чиқдик. Худога шукр, юртимиз тинч, меҳнат қилсанг ҳамма нарсага эришасан. Озгина қийинчилик даври, албатта ўтиб кетади. Илоҳий мустақиллигимиз, тинчлигимиз барқорор бўлсин. Бу кунларнинг қадрига етиб яшаш керак.

Ҳа, жуда тўғри. Бу кунларга кимлар етди, кимлар етмади. Шундай экан, ҳаммаша бир-биримизга ширин сўз, беминнат нигоҳ билан боқайлик, токи изларимиздан хайр-саховатнинг қадри сарбаланд гуллари унсин.

**Азиз АКБАРЗОДА.**  
**СУРАТДА:** тумандаги кам таъминланганлар йўқланмоқда.

Ҳақимжон Солихов олган сурат.




Маҳалла оқшоми — оилаги тик

ФАОЛЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Халқимизда азал-азалдан бир-бирини қўллаш, беҳминнат ёрдам қўлини чўзиш каби эзгу қадриятлар мужассам ва улур мустикаллик йилларида янада буй чўзиб, тобора мустахкамланди бормоқда.

Давомчилари. Маҳалламизда 2000 дан ортиқ ёшлар, 500 дан ортиқ воёга етмаганлар бор.



юмуши бўлса керак?

Шаҳримизнинг қай бир маҳалласига борманг бунёдкорлик, янгилаш, изчил ислохотлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўласиз.

Уларнинг бўш вақтларини тўғри тақсимлаш, жисмоний соғлом бўлишлари йўлда спорт майдон-чамизини яхшилаб таъмирдан чиқариб, спорт анжуманлари билан жиҳозлаб қўйганимиз.

— Тўғри, маҳалла гузари қўришни икки йилдан бери мўлжаллаб келар эдик.

— Ниҳоят серҳаракат, ишбилармон, элим, юртим учун фойда берган фуқароларимизнинг кун келди, — дейди маҳаллаларнинг жонқур оқшоми Маҳкам Хайдаров.

— Қачонки шу юрт, шу Ватан ўзиники, унга лойиқ фарзанд бўлманг, оғир пайтда сунан бўлиш муқаддас бурчим деган инсонгина бугунги кун ўзгаришларининг мазмун-моҳиятини англай олади.

Маҳалламиз худудида 4000 га яқин аҳоли, 710 нафар оила, 420 та хонадонда тиш, осуда меҳнат билан, ҳамжиҳатликда истиқомат қилиб келмоқда.

— Оксокол, айтингчи ҳамма ишларимиз жойида, камчиликлар йўқ десак, тўғри бўлармикан?

— Нега энди, камчиликлардан қўз юмиб бўлмайди, ахир. Биз имкон қилдик, иложи борича улар ечимини изляганимиз.

— Оксокол, айтингчи ҳамма ишларимиз жойида, камчиликлар йўқ десак, тўғри бўлармикан?

— Оксокол, айтингчи ҳамма ишларимиз жойида, камчиликлар йўқ десак, тўғри бўлармикан?

— Оксокол, айтингчи ҳамма ишларимиз жойида, камчиликлар йўқ десак, тўғри бўлармикан?

Жорий йилнинг «Меҳр ва муруват йили» деб номланган бarchа қатори бизнинг маҳалладошларимизни ҳам савоб ишларга бошломиз.

— Оксокол, айтингчи ҳамма ишларимиз жойида, камчиликлар йўқ десак, тўғри бўлармикан?

— Оксокол, айтингчи ҳамма ишларимиз жойида, камчиликлар йўқ десак, тўғри бўлармикан?

— Оксокол, айтингчи ҳамма ишларимиз жойида, камчиликлар йўқ десак, тўғри бўлармикан?

— Оксокол, айтингчи ҳамма ишларимиз жойида, камчиликлар йўқ десак, тўғри бўлармикан?

— Оксокол, айтингчи ҳамма ишларимиз жойида, камчиликлар йўқ десак, тўғри бўлармикан?

— Оксокол, айтингчи ҳамма ишларимиз жойида, камчиликлар йўқ десак, тўғри бўлармикан?

— Оксокол, айтингчи ҳамма ишларимиз жойида, камчиликлар йўқ десак, тўғри бўлармикан?

— Оксокол, айтингчи ҳамма ишларимиз жойида, камчиликлар йўқ десак, тўғри бўлармикан?

— Оксокол, айтингчи ҳамма ишларимиз жойида, камчиликлар йўқ десак, тўғри бўлармикан?

Юртбошимиз хотин-қизлар кўминсонгагина она бўлишдек улур бахт насиб этади. Бу дунёнинг топилмас бебаҳо неъмат бўлган фарзанди аржумандини баргига босиб, огушида эркалатган аёлнинг минг битта армонидан ҳеч бири қолмаслиги ҳам ана шу бахт наъшо намосидандир.

Юртбошимиз хотин-қизлар кўминсонгагина она бўлишдек улур бахт насиб этади. Бу дунёнинг топилмас бебаҳо неъмат бўлган фарзанди аржумандини баргига босиб, огушида эркалатган аёлнинг минг битта армонидан ҳеч бири қолмаслиги ҳам ана шу бахт наъшо намосидандир.

Имкониятлардан унумли фойдаланайлик. Бу дунёда онадек муқаддас ва улур зот бўлмаса керак. Насл давомчилари бўлмиш оналардек муътабар зотлар ҳақида дунё пайдо бўлибдики, мадҳу санолар айтилади, кўкларга кўтариб дostonу байтлар ўқилади, лекин уларнинг мадҳиялари барбир камлик қилиб, яна қайта-қайта қасидалар ёзилаверади.

Қадр айтиборсиз бўлишга ҳаққимиз бормиди? Шу қабил саюллар гирдобда қўлимга қалам олишга жазм этдим.

Қадр айтиборсиз бўлишга ҳаққимиз бормиди? Шу қабил саюллар гирдобда қўлимга қалам олишга жазм этдим.

Маҳалламиз — ота-онанг

ФАРОВОНЛИК МЕЗОНИ БИРДАМЛИКДА

Бугунги кунда маҳаллаларнинг фаровонлиги, тиш-осуда ҳаёт кечирishi у ерда истиқомат қиладиган фуқароларнинг аҳиллик билан иш олиб боришларига ҳам боғлиқ.

Ахмад Икромов туманидаги Ҳамза маҳалласини ҳам тобора яроқлироқ, обод ва фойдали фуқаролар қаторидан ўрин олишга интилаётган максадида сирасига қўйишимиз мумкин.

Маҳалладаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ерданга муҳтож оилалар имкон қилар қувватлаши, уларга моддий ва маънавий кўмак бериб келишмоқда.

Кўнчилининг савий-ҳаракати билан обод, қўламазор, тоза, ораста ҳудудлар қаторидан ўрин олган ушбу маҳаллада фуқаролар оқшомига таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш бўйича профилактика инспекторлари кеча-кўнунда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борадилар.

Маҳалламизда ёшларни тикувчилик, тўқувчилик касбларига ўргатадиган қатор тўрақлар, тадбиркорлик ишлари йўлга қўйилган.

Қариси бор уйнинг файзи бўлганидек, нурунийлари кўп маҳаллаларнинг фарзандлари ҳам одобли, каттага ҳурмат, кичикка иззатда бўладилар. Биз ушбу йилда нафақат маҳаллаларимиз, балки шу ерда яшовчи ҳар бир оилаларнинг тиш-товулиги, фарзандларимизнинг баркамол, соғлом муस्ताқил ватанимизга муносиб бўлиб қолмоғи етишларига ҳаракат қилмоғимиз керак.

Нега сиз томошабин бўлиб ўтирибсиз, гапиринг дейишингиз мумкин. Мен ҳам авваллари худди сиздек ўйлар эдим.

Одатда тасодифан учрашиб қолган икки киши сурашиб — танишимокчи бўлса, қайси маҳалладансиз деб мурожаат қилишадими, олам бу ёқда қилиб акам бакириб кетсалар бўладими, бу қизидан хабар олиб туринг, ўқишга бормай киноларда юрибди, менга ўртоқларим айтишиди, деб.

Бу билан нима демоқчиман. Мана шундай ёшлар кам бўлсада орамизда учраб туради. «Бир болага етти маҳалла ота-она» деганларидек, бир-биримизга эътибор бермай қўлайлик, болаларимизга ёшлардан яхши тарбия берайлик.

Ён дафтлардан сайрлар ОИЛА — МУҚАДДАС КЎРҒОН

Оиласи умру-тақдир, Рўшона бўлмас экан. Оилангдан азизроқ, Қошона бўлмас экан.

Оила — муқаддас кўрғон. Уни бахтли кўриш учун ўзбек аёли ҳузур-ҳаловатидан кечига тайёр. Унда сенинг бахтинг, ташвишинг, бугунинг, эртанг тимсоли болаларинг қамол топишмоқда.

Сергели туманидаги «Мустақиллик» маҳалласида мана ун уч икки йилдирки маҳалла хотин-қизлар комитетининг раисаси.

Бир кунини ёнимга ёши элликлардан ошган аёл қилиб келди. «Синглим, мени қариялар уйига жойлаштирсанлар. Бефарзандман.

Аёли қариялар уйига жўнатаётган иктомий таъинот бўлишимиз бошлиғи айтган гаплар мени ўйга толдирди.

Маҳалламизда ёшларни тикувчилик, тўқувчилик касбларига ўргатадиган қатор тўрақлар, тадбиркорлик ишлари йўлга қўйилган.

Уйимизнинг биринчи қаватда яшовчи қўшимиз, етмиш уч ёшли бир амаки узок касал ётиб, вафот этди.

Ушбу маҳаллада фуқаролар оқшомига таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш бўйича профилактика инспекторлари кеча-кўнунда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борадилар.

Ушбу маҳаллада фуқаролар оқшомига таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш бўйича профилактика инспекторлари кеча-кўнунда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борадилар.

Ушбу маҳаллада фуқаролар оқшомига таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш бўйича профилактика инспекторлари кеча-кўнунда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борадилар.

Бир кунини ишдан қайтаётсам маҳалламиздаги уйлардан бирининг рўпарасида ёшига аёл баланд товушда нималаридир бақириб гапирётганини эшитдим.

Лифт олдиға келсак, кичкина ступида бир отахон ўтирибди. Саломлашган «Бу киши сизнинг отангизми?» — деб барваста одамдан сўрадим.

Хамма нарса аниқ бўлиб, айбига икор бўлган йигит отаси, рафикасини ва ўғли олдиға тиз чўкиб кечини сўради. «Ота шундан кейин ҳам ўғлингиз нотўғри йўлга қаддам босгани мумкинми?» — деб сўрадим отадан.

Бир кунини ёнимга қолган эллик ёшлар чамасидаги аёлнинг ёнидаги қизларига қараб, ичимда кўз тегмасин селарга, деб қўйдим.

Ушбу маҳаллада фуқаролар оқшомига таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш бўйича профилактика инспекторлари кеча-кўнунда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борадилар.

Ушбу маҳаллада фуқаролар оқшомига таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш бўйича профилактика инспекторлари кеча-кўнунда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борадилар.

Ушбу маҳаллада фуқаролар оқшомига таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш бўйича профилактика инспекторлари кеча-кўнунда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борадилар.

Ушбу маҳаллада фуқаролар оқшомига таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш бўйича профилактика инспекторлари кеча-кўнунда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борадилар.



## Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганиб  
домо бўлув...

• Насихат қабул қилмаган кишига насихат қилмоқ ўз қадрини синдирмақдир. Очкўз кишини очкўзликдан қутқариш учун уринмоқ ўз вақтини беҳуда йўқотмоқдир. Жахонда тараққий қилмоқни ихтиёр қилган кишилар иши одога яқин бўлмоқ, ёмонлик қилишдан қочмоқ, яхши дўстларга суянмоқ ва ҳамсухбат бўлмоқдир.

• **Яхшилик қилишга бўлмаса имкон, ёмонлик қилмагин, қайтар ўзинга.**  
Кўполлиқни ташлаб, лутфингни кўрсат, Токи тўп тушмагай соғлом кўзингга. Бировнинг гийбатин қилмагин асло, Ночорлик боқмагай нурли юзингга. Ҳар кимга юмшоқ сўз гапиролмасанг, Заҳар кўшмай гапир хар бир сўзингга.

• **ҲИКМАТ:** Ҳақимларнинг ҳикматларидан келтирилишича, ёлғизликдан кўра қийинроқ меҳнат йўқ. Бироқ ёлғизлик ёмон улфатдан яхшироқдир.

Байт:

Ёлғизликдан оғир ганж йўқ жаҳонда,  
Ундан бадтар нима?  
Биласанми ҳеч?  
Ёмон улфат билан яшамоқ эзур,  
Бундай кишилардан узоқ юру кеч!


• Сахий ва олжаноқ кишилар билан суҳбатдош бўлмоқ кишини ёқимли феъл ва чиройли хислатларга рағбат қилади. Ёмон феълли ва фасод табиатли кишилар билан бўлган суҳбат эса ёқимсиз сифат ва қабих иллатларга етаклайди. Ёмонлар билан яхшилар орасидаги суҳбат таъсири худди шамол кабирди. Шамол ёмон жойдан ўтиб қолса, бадбўй хидларни бошлаб келади. Агар ширин хидли жойлардан ўтса, муаттар исрарни келтиради.

Байт:

Ҳар кимнинг бор экан танида жони,  
Ким билан сўзлашса,  
Бўлар таъсири.  
Ёмонлик бўлмаса кишининг афъоли,  
Доим яхши билан уш суҳбат қура.

• Оғирчилик ва гагинликда қурилган оқил суҳбати базм ва ишратда ўтказилган жоҳил суҳбатидан афзалдир.

Суҳбат учун топсанг доно кишини,  
Ёмонларни яқин йўлатма зинҳор.  
Дилга ёққан фақир доно суҳбати,  
Нодон бойдан кўра яхшидир минг бор!



Ёз фаслининг ўзига яраша гашти бор. Айниқса болажонлар ёзги таътилда оромгоҳларда мазза қилиб ҳордиқ чиқаришмоқда. Рустам ШАРИПОВ олган суратлар

Нақшинкор безакли катта хонада турли ёшдаги ўндан ортик киши ўтирарди. Қай куз билан кўрайки давра тўрида олдинги девор-дармиён кўшим Карим ака. Унинг энг азиз меҳмони шу киши бўлса керак, ҳамма унинг иззат-обрўсини бажо келтирарди. Карим ака мен билан «Келинг кўшни», деб тез кўришиб, Камолга юзланди.

— Анча ўтирдик, энди бизга руҳсат берсангиз ҳам бўларди мулла Камол, — деди.

— Келиш изни меҳмондан, кузатиш мезбондан, — дея Камол хандон ташлади.

Меҳмон бир зум жим бўлиб қолди. Ҳамма «давомини эшитайлик» дегандек Карим акага қаради. У обдон томоқ қилиб олди, сўнг мен томонга назар ташлаб давом этди.

— Шундай қилиб денг курорт курорт қолди. «Онанг улди», деган хабарни эшитдим, орқага қайтдим. Ахир она-я, она. Курорт топилади. Лекин она топилмайди, деган фикр келди хаёлимга. Уйга келсам тумонат одам. Ёр-биродарлар, шогирдлар, қариндош-уруғлар. Йўқ, ўзини тутиб туролмадим, йиғладим.

— Фойдаси йўқ, чирогим, — дейишди қариялар. — Марҳумани кеча қабрга қўйдик. Қолган маросимларини ўрнига қўйсанг бас.

Онагининг йигирмаларини тўйдек ўтказдим. 120 кило гуруч тушди қозонга. Ошпаз ҳам ўзимизнинг укамиз эди. Ошни қийиб ташлабди.

Карим ака оғиз кўпиртириб гапирарди. Мен эса ҳаёлан уша мудхиш кунни эслардим...

Карим ака Нури холянинг ёлғиз ўғли. Айтишларига қараганда, хола эрининг вафотидан кейин ўғлим ўғай ота кўлида ўксимасин, деб қайта турмуш қурмабди. Ёш умрини ёлғизига бағишлабди. Ўғил 10-синфни битиргач, ишга қиради, оилали бўлади. Тантқиқ келин биринчи кунданок қилиқ чиқаради. Қайнона-келин чиқшмайди. Ниҳоят Карим ака онасини ёлғиз ташлаб, хотинининг уйига кўчиб кетади.

— Қаерда бўлсанг ҳам омон бўл, — дейди она. — Ишқилиб мени унутмасанг бўлгани.

Карим ака дараксиз кетди. Онаизор хар кун унинг йўлига муштоқ. Ўғил эса қорасини кўрсатмайди. Бир кун кампир қидириб, унинг уйига борса, келин юзхотир қилмай: «Энди зўрга тинчидик, бу ерга келиб яна уйимизни бўзоқчимисиз», дебди. Уша-ўша келинникига

қадам босмади онаизор.

Эсимда, холянинг илтимоси билан бир кун Карим аканинг олдида бордим. Уни учратиб бор гапни айтдим. Аччиқ устиди «Одам ҳам шунақа бўладими? Ахир, ўз онангизни нахот бир кўришга арзистмасангиз», деб юбо-

рак эди-да.

Чор-ночор Камол ўрнидан туриб, холага онасини бошлаб кирди.

— Қалай она, ўғил хафа қилмайтими? — сўради Карим ака.

Кампир миннатдорчилик билдирди.

## Ширини гопраҳаларида

БУ ОЛАМДА  
УЛУФ ЗОТ...

Дам олиш кунни эди. Кўчада бораётиб мактабдош дўстим Камолни учратиб қолдим. У: «Бир пиёла чой устиди суҳбатлашамиз. Уйда меҳмонлар бор», деб кўярда-кўймай мени уйга олиб кетди.

рибман.

— Хали ёшсан ука, — деди у киноа билан. — Уйлансанг биласан. Яхшиси бировларнинг ишига аралашма.

Бу учрашувимиз ҳақида холага гапириб берганимда у зор-зор йиғлагани эсимда. Ушандан бери Карим акани ёқтирмай қолганман. Уни кўрсам эшик тағида ўлғига кўз тикиб мунгайиб ўтирган хола эсимга тушади.

У тинимсиз сўзларди. Она ҳақида, унинг қадр-қиммати тўғрисида гапириб ҳамма ни пулга сотиб олмоқчи бўлди. Афсуски, у бу ҳурмат олтинга алмаштирилмаслигини унутди. Гап орасида Карим ака аллақайси базага бошлиқ эканлигини, ўртоғим Камол эса унинг кўлида ишлашини билиб қолдим.

Куюк-суюқдан сўнг Карим ака: — Энди Камолжон, бизга руҳсат берасиз, — деди пахтадек оппоқ сочикка лаблунжини артиб.

Ўтирганлар унинг бу сўзига баралла норозилик билдиришди. Худди бу азиз одамни бир умр қайтиб кўролмай қоладигандек унга илтижоли тикилишди.

— Начора, вақтимиз тугади. Режалаштирилган бошқа юмушларимиз бор. Қани Камолжон, кампирни қақиринг, бир фотиҳа берсинлар. Ҳа, у кишининг дуосини олиш керак.

Тавба, устомонлиқни қаранг. У хатто кампирдан фотиҳа олишни ҳам унутмади. Чунки бу юқоридаги сўзларнинг исботи учун ке-

— Яшанг, бахтимизга сиз-дака оналар бор бўлсан, ҳозир биз еган чучваранинг муаллифи шу кишими Камолжон?

Дўстим тасдиқ ишорасини қилиб бош тебратди.

— Раҳмат, мазали бўпти. Лекин битта камчилиги бор она. Чучвара бироз ээилиб пишибди.

Бу сўз кампирнигина эмас, ўтирганларни ҳам ранжитди чамаси, худди эшитмагандек, биров томоқ қилиб, биров қисқа йўталиб кўйди.

Карим ака чиқиб кетди. Лекин уйда унинг сояси қолди. Меҳмонлар тарқагач, мен ҳам уэр сўрамоқчи бўлдим. Ошхона томонда нимадир синди, биров сўкинди, хотин киши қарғади.

Камолнинг овози эшитилди. У онасига танбех берарди. Дилми ранжиб, хайрлашмай чиқиб кетдим. Йўлда бораётиб беихтиёр бир воқеани эсладим.

Сарви холянинг тўрт қизи бор эди. Улар турмушга чиқиб кетгач, катта холяда холянинг бир ўзи қолди. «Энди кампирга анча қийин бўлади-да, дейишганди ўшанда кўшниллар. Йўқ, улар янглишган эканлар. Сарви холя қизларининг «Биронтани билан бўлинг, сизни ўзимиз билан олиб кетайлик» деган таклифига қатъий: «Мен учун энг азиз ва табарруқ бўлган бу уйни ташлаб ҳеч қаерга кетолмайман», деб жавоб берди. Қизлар онаизорни бир кун ҳам ёлғизлатмасликка ҳаракат қилишди. Навбатма-навбат ундан хабар олиб туришди. Холанинг кўнгли тоғ бўлиб кетди.

Сарви холя хасталаниб ётиб қолгани сира-сира эсимдан чиқмайди. Кувёллар ва қизлар она бошида парвона. Уни оқ ювиб, оқ тарашди. Ширин сўзлар билан

беморнинг кўнглини кўтарди. Холя узоқ ётиб қолди. Биз маҳалла аҳли уни тез-тез кўргани кириб турардик. Кампир гарчи юролма қолган бўлса-да, атрофга тетик боқар, кирган-чиққанлар билан дилдан суҳбатлашарди. У гап орасида бирон нарса истаб қолса, қизлар дарҳол унинг истагини бажо келтиришарди.

Сўнги марта Сарви холяни қандайдир бир байрам муносабати билан эрталаб табриклагани кирдик. Биз хали чикиб кетишга улгурмай бирин-кетин холяга қизлари, куёвлари кириб келишди. Улар кампир билан навбатма-навбат сўрашиб бўлгач, қўллариди савганини унга тутказишди. Онаизор биронта савгани очиб кўрмас, фақат болаларига миннатдорчилик билдирарди. Ҳа, ҳозир унинг учун савганинг катта-кичиги йўқ. У бир нарсадан, бу байрамда ҳам болалари уни табриклашни унутмаганларидан хурсанд эди.

Шунда беихтиёр ўйланиб қолдим. Албатта, ҳаммамиз ҳам ўз ота-онамизга муносиб фарзанд бўлгимиз келади. Лекин кўпчина уларнинг олдидаги оддий бурчимизни билиб-билмай унутиб ҳам кўямиз. Мана бир мисол. 8 Март ёки туғилган кун муносабати билан турмуш ўртоғимизни албатта табриклаймиз. Уша кунни уйга софга-саломсиз келмаймиз ҳам. Лекин худди шунақа кунлари баъзида онамизни табриклашга вақт топмаймиз. «Онам ўзимники, хафа бўлмайди», деган фикрда уни софга-саломсиз ҳам қолдирамиз. Тўғри, оналаримиз бу гуноҳимизни кечиртишлари мумкин, лекин кўнгли гулдан нозик-да, Шундай экан, бизнинг бу ўзбуларчилигимиздан уларнинг дили ранжибмайди, деб ким айти олади?

Сарви холянинг ўлими ҳақидаги хабар ҳаммамизни қайғуга солди. Унинг қизларининг оху ноласи юракларимизни зирқиратиб юборди. Йўқ, холянинг фарзандлари она маъракаларини тантанга айлантиришмади. Жонлиққа қўй сўйиб, дабдабали пай-шанбаликлар ўтказишмади. Йигирмасида 120 килограмм гуруч дамлашмади. Ҳаммасини метёрида, маҳалла катталари билан келишиб қилишди.

Онадек азиз ва табарруқ инсон йўқ оламда. Шундай экан ҳаммамиз уни эъозлайлик. Онамиз вафотидан кейин умр бўйи нола чеккандан кўра, тирикликда бир кун дардида малҳам бўлганимиз минг қарра афзал.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ



**Қаҳ-қаҳа**

**МАСЛАХАТ**

Бир бефаҳм одам Юсуфжон қизиқдан сўрабди:

— Юсуфжон ака, сиз кўпни кўрган одамсиз. Бир нарса-ни сўрасам майли-ми?

— Қани гапирингчи? — дебди Юсуфжон қизиқ.

— Айтилик, бир одам вафот этди. Мурдани кўтариб, қабристонга кетаётганида тобутнинг олдида борган маъқулми ёки орқасида?

— Тобутнинг олдида борсанг ҳам, кетида борсанг ҳам бўлаверади, фақат тобутнинг ичида бўлмасанг бўлгани, — деб жавоб берибди Юсуфжон қизиқ.

**РЕВИЗОРИ ЙЎҚ ИШ**

Танишларидан бири кўчада Охун қизиқдан ҳол-аҳвол сўради.

— Охун ака, ишларингиз қалай?

— Э ука, қалай нимаси, олтин!

— Ростдан-а?

— Ҳа-да! Қизиқчиликнинг ревизияси бўлмаганидан кейин ёмон бўлармиди.

**САРТАРОШ КЕЛГАН ЭКАН**

Охун қизиқ бир спектаклда роль ижро этаётган эди, ясама соқоли билан мўйлаби терлагани учун тушиб кетаверди. Шунча босса ҳам бўлмади. Шунда роли тугамасдан сахнадан чиқиб кетган Охун қизиқ бир зумда пайдо бўлди. Аммо энди соқол-мўйлаби йўқ эди. Артистлар хайрон бўлиб унга қарашди.

— Сартарош келган экан, соқолимни олдириб кела қолдим, — деди у ҳозиржавоблик билан.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги Аҳмад Раҳмат номи 122-мактаб томонидан 2004 йилда Эрнazarов Азамат Аҳмаджанович номига берилган O'R-B-083545 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент туманидаги А.Икромов номи 19-мактаб томонидан 2004 йилда Музафаров Шаҳобиддин Фазлиддиновичга берилган U 0996927 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Республикада лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбоси ва имлосининг жорий этилиши муносабати билан мазкур янги ўзбек миллий ёзувимиз имло қоидаларини ўзлаштириб олишимиз ҳамда ушбу имлода ўқиш учун матнлар мажмуасига бўлган зарурий эҳтиёжни эътиборга олиб, яқинда Тошкент Давлат иқтисодий университетининг профессори Суннатулла Ризаевнинг «Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбоси ва имлосини ўрганувчилар учун қўлланма»си чоп этилди.

**Янги нашрлар**

**МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА**

Ушбу қўлланмада ўзбек миллий адабиётимиз, маънавиятимиз ва маданиятимизнинг забардаст вакиллари, ёзувчилар ва шоирларнинг таржimai холи, адабий-ижодий йўли ихчам адабий портрет тарзида келтирилган. Буларнинг барчаси китобхон-

ларимизнинг янги ўзбек лотин ёзуви бўйича оғзаки ва ёзма нутқларини ўстиришга ҳам кўмаклашади.

Қўлланманинг муҳим томонларидан яна бири, саҳифаларда келтирилган ҳар бир матннинг остида ўша матнларга тегишли

«Савол ва топшириқлар» ўз ифодасини топган.

Қўлланмада ўқиш учун келтирилган матнларда миллий мафкураимизнинг туб негизини ташкил этадиган ватанпарварлик, инсонпарварлик, эркинлик, ҳалоллик, ахлоқий поклик, одиллик, бирдамлик, билимлилик ва онглилик, тараққийпарварлик, ҳурфикрилилик, байналмилаллилик сингари чин инсоний фазилатлар мужассамлашган.

Мазкур қўлланмадан олий ва ўрта маҳсуус ўқув юрталари, умумий ўрта таълим, академик лицей, коллеж ўқитувчилари ва ўқувчилари ҳамда янги ўзбек миллий лотин ёзувини ўрганувчи кенг китобхонлар оммаси фойдаланиши мумкин.

**Махбубахон АЛИЕВА,**  
доцент

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**



**Ҳурматли ишбилармон ва тadbиркор жаноблар!**

**«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»**

**Сизларни биржа савдоларига таклиф этади**

Биржа савдоларига «Автомакон» савдо-ярмарка мажмуаси шўба хўжалик жамиятининг Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, 3-уйда жойлашган автомажмуа ҳудудидаги майдони 18 кв.метрдан бўлган куйидаги товар турлари сотиш учун мўлжалланган турғун савдо дўконлари қўйилган:

- кийим-кечак ва пойабзал моллари;
- маиший кимё тозалаш моллари;
- чет-эл авто улов эҳтиёт қисмлари;
- газмоллар;
- «ГАЗ», «ВАЗ» ва «Москвич» авто-эҳтиёт қисмлари;
- канцелярия моллари;
- «DAEWOO» авто-эҳтиёт қисмлари;
- авто лак-буёқ махсулотлари;
- электр ва хўжалик моллари;
- авто улов аксессуарлари;
- автошина ва филдираклар.

Ҳар бир савдо дўконининг бошланғич баҳоси — 3 000 000 сўм.

Шунингдек, Биржа савдоларига куйидаги кўчмас мулк ва бошқа объектлар қўйилган:

Тошкент шаҳар, М.Улугбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган, майдони 1 642 кв.метр бўлган «Нур» мажмуаси; Бошланғич нархи — 750 000 000 сўм;

Тошкент шаҳар, Чиланзор тумани, И.Франко кўчаси, 38а-уйда жойлашган «O'zdavlatga limloyihaqurilish» МЧЖнинг 90 фондик давлат улуши; Бошланғич нархи — 1 514 250 сўм;

«Руслан Шамшали» хусусий корхонаси балансида бўлган куйидаги дастгоҳлар:

- СМЖ-357 дастгоҳи, бошланғич нархи — 1 400 221 сўм.
- Токарлик-револьверли 1Г 340 П дастгоҳи, бошланғич нархи — 5 338 396 сўм.

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароунаҳр кўчаси, 16а-уй.

Телефон: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74.

Сайт: www.tshmbm.uz; Эл.почта: info@tshmbm.uz ва Birja@mail.tps.uz

**Ў Қ И Ш Г А М А Р Ҳ А М А Т !!!**

**Ҳамза Курилиш касб-ҳунар коллежи 2004-2005 ўқув йилига**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Кундузги бўлимга 9-синф ҳажмида куйидаги йўналишлар бўйича

**Ў Қ У В Ч И Л А Р Қ А Б У Л Қ И Л И Н А Д И.**

1. Курилиш-пардозлаш ишлари устаси ва курилиш дурадгори.
2. Ёғочга ишлов бериш ва мебеллар ишлаб чиқариш бўйича уста.
3. Тикув буюмларини ишлаб чиқариш ва моделлаштириш бўйича технолог.
4. Сув таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш ва таъмирлаш бўйича механик.
5. Электрон ҳисоблаш машиналари ва компьютер тармоқларини ишлатиш бўйича мутахассис.
6. Бухгалтер — аудитор.
7. Газ таъминоти тизими жиҳозларини йиғиш ва таъмирлаш бўйича механик.
8. Автомобиль воситаларига техникавий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича механик.
9. Иш юритиш ва архив иши бўйича мутахассис.
10. Менежмент.

**Ўқишга кирувчилар куйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:**

1. Директор номига ариза
2. Маълумоти ҳақида гувоҳнома (асли)
3. Тиббий маълумотнома (086шакл)
4. Туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (нусхаси)
5. Турар жойдан маълумотнома
6. 6 дона фотосурат (3x4)

**Бизнинг манзил:**

Слоним кўчаси, 113-уй. Автобуслар: 15,23,54,26,61, 106 «Иzzат» бекати. Тел: 94-42-32.

**“ИШЛАБ ТОП!”**

**Жаноб тadbиркорлар ва муҳтарам корхона раҳбарлари!**

Биз наврозор, икxтисори, гайратта тўла ёшларимиз. Бизга фақат Сизнинг тadbир ва кўмагингиз еттишмайпти. Байрат ва тadbирбани бирлаштириш вақти келди. Чунки бу — мутафаккалликта олаб борувчи энг кичик йўл.



Тошкент шаҳар «КАМОЛОТ»и тadbиркорларга «Ишлаб топ!» ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун масумий иш урилларини тақдим этишнинг таклиф қилади.

Кўшимча маълумотларни **137-72-20, 137-72-21**

телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин. Еки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

[www.tashkentkamolot.uz](http://www.tashkentkamolot.uz)  
[www.2oxygen.com](http://www.2oxygen.com)  
[www.kvn.uz](http://www.kvn.uz)

Акцияда қатнашган тadbиркорларга «Тасвир» нашрийёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.

**ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**

газеталари тахририяти  
реклама агентларини  
ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

**ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ**



**Спорт**

**ҲАМЮРТЛАРИМИЗГА  
ОМАД  
КЕЛТИРДИ**

Истиқлол шарафати туфайли юртимизда спортнинг амалий ва техник турлари ривожига ҳам катта эътибор берилмоқда. Буни ҳамюртларимизнинг халқаро мусобақаларда қўлга киритаётган галабалари ҳам яққол исботлаб турибди.

Кунни кеча Қирғизистонда биатлон бўйича уюштирилган Осиё чемпионати мусобақалари ҳамюртларимизга омад келтирди. Минтақамизнинг энг иқтидорли биатлончилари қатори голиблик учун кураш олиб борган Узбекистон терма жамоаси аъзолари Руслан Носиров ва Азиз Ҳожиматовлар рақибларидан маҳоратли эканликларини исботлаб, турнир якунида биринчи ўринни эгаллашди.

**ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР  
ИККИНЧИ ЎРИНДА**

Бирлашган Араб Амирликларида каратэ бўйича уюштирилган «Мастерлар Кубоги» турниридан Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари зафарли галабалар билан қайтишди.

Эрон, Россия, Бангладеш, Қувайт, Туркменистон, Афғонистон, Хиндистон каби ўнлаб давлатлардан келган 200 нафар каратэ усталарига қарши таъамига чиққан мамлакатимиз вакиллари мутахассислару мухлислар тан беришди. Чунки терма жамоамиз аъзолари ушбу нуфузли мусобақада 4 та олтин, 3 та кумуш ва 7 та бронза медалларини қўлга киритишди. Иқтидорли спортчимиз Отабек Қосимовнинг ката ва кумите бахсларида иккита олтин медаль эгасига айланганлиги мамлакатимизда ушбу спорт тури тобора ривожланиб бораётганлигидан далолат бериб турибди. Шунингдек, София Каспупатова ва Нодир Хўжаевлар ҳам рақибларидан маҳоратли эканликларини исботлаб, шоҳсупа турниринг энг юқорисидан жой эгаллашди.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин эронликларга насиб этган бўлса, мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари иккинчи ўрин билан кифояланишди.

Даврон ҒУЛОМОВ

Аввало, шунинг таъкидлаш жоизки, жорий йилги мавсумда олий лигада 14 жамоа иштирок этаёпти. Пойтахтимиз шарафини эса «Пахтакор», «Трактор», «Локомотив» командалари ҳимоя қиляпти. Гарчи эндигина 13 тур ўтган бўлишига қарамай мутахассислару мухлислар совриндорлар қаторидан қайси жамоалар ўрин эгаллашини тахмин ҳам қилиб бўлишди.

Мамлакатимизнинг етакчи жамоаси «Пахтакор» жорий



йилда ҳам ажойиб, сермазмун ўйин намойиш этиб пешқадамликни қўлдан бермай келаётир. Пахтакорчиларнинг 13 ўйиндан 12 тасини галаба билан якунлаганлиги эса ҳозирча уларга яққобат қила оладиган жамоа йўқлигини кўрсатмоқда. Фақат, Қаршида «Насаф» билан тошкентликлар ўртасида кечган учрашув 0:0 ҳисобида якунланганлигини эътиборга олганда юқоридаги фикримиз аини ҳақиқатдек туюлади. Одатдагидек, совринли ўринлар учун кураш «Нефтчи», «Навбахор», «Насаф» жамоалари ўртасида кечадиганга ўхшайди. Чунки ҳозирча бу жамоалар турнир жадвалида

**Сўғдиёна**

**БИРИНЧИ ДАВРА ЯКУНЛАНДИ**

Миллионлаб футбол ишқибозларини ўзига ром этган Европа чемпионати ўйинлари ҳақидаги баҳслар ҳамон давом этаётган бир паллада мамлакат XIII миллий биринчилиги олий лига жамоалари биринчи давра учрашувларини ниҳоясига етказишди.

иккинчи, учинчи, тўртинчи ўринларни эгаллаб туришибди.


Дарвоқе, ушбу мавсум пойтахт жамоалари учун анча омадли бошланди дейиш мумкин. Аввало, олий лиганинг янги жамоаси «Локомотив»нинг сермазмун ўйин намойиш этаётганлигини, мутахассисларни ҳайратга солаётганлигини таъкидлаш даркор. Сабаби, темирўлчилар шу кунгача беш учрашувда галаба наҳидасидан баҳраманд бўлишган тўрт ўйини эса жангвор дуранг билан якунлашган. Тўплар нисбати ҳам мактовга сазовор 17-9. Сафарда ўйнаган ўйинларда ҳам «Локомотив»нинг рақибларига бўш келмаганлиги эса қувонарли баҳраманд бўлишган тўрт ўйини эса жангвор дуранг билан якунлашган. Тўплар нисбати ҳам мактовга сазовор 17-9. Сафарда ўйнаган ўйинларда ҳам «Локомотив»нинг рақибларига бўш келмаганлиги эса қувонарли баҳраманд бўлишган тўрт ўйини эса жангвор дуранг билан якунлашган. Тўплар нисбати ҳам мактовга сазовор 17-9. Агар «Локомотив» иккинчи даврада биринчи даврадаги хатоларини такрорламай, ҳужумкор ўйин намойиш этадиган бўлса, совринли ўринлардан бирига даъвогарлик ҳам қилиши ҳеч гап эмас. Бу фикримизни ҳозирча турнир жадвалида «Локомотив»нинг бешинчи ўринни эгаллаб турганлиги ҳам исботлайди.

Шунингдек, рақибларига «ноқулай» жамоа ҳисобланган

«Трактор» бу йил мухлисларини анча хурсанд қилмоқда. Шу кунгача рақибларини 6 марта мағлуб эта олган тракторчилар кучли олтиликдан жой эгаллашга муваффақ бўлишди. Аммо, еттига ўйинни фақат мағлубият билан ўтказганлиги очиги, тракторчиларга бироз панд берди. Тўплар нисбати ҳам ушбу жамоанинг «ноқулай» деб тан олингани беҳиз эмаслигини кўрсатиб турибди 18-27.

Тўпурларлар рўйхатини «Навбахор» футболчилиси Шухрат Мирҳолдишоев бошқараётганлигини айтиш жоиз.

Турнир жадвалининг қуйи поғоналарини «Сўғдиёна» ва «Самарқанд-Динамо» жамоалари эгаллаб келаётганлиги бироз ажаблანарли. Чунки улар бир пайтлар мамлакатимизнинг номдор, етакчи жамоалари бўлишган, хатто, «Пахтакор» ва «Нефтчи»дек «гигант»ларга ҳам бўш келган бўлмаган. Нима ҳам дердик. Хали ҳаммаси олинди. Эндиликда олий лига жамоалари иккинчи давра ўйинларига қизгин тайёргарлик кўрадилар, биринчи давра



да йўл қўйган камчиликларини тўғрилашга интиладилар.

Иккинчи давра бахслари 14 августда старт олади.

Энди эътиборингизга биринчи

№	Жамоалар	Ҳ	К	Д	М	Ҳ-Н	О
1.	«Пахтакор»	13	12	1	0	42-5	37
2.	«Нефтчи»	13	11	0	2	30-13	33
3.	«Навбахор»	13	10	1	2	33-9	31
4.	«Насаф»	13	10	1	2	28-8	31
5.	«Локомотив»	13	5	4	4	17-9	19
6.	«Трактор»	13	6	0	7	18-27	18
7.	«Сурхон»	13	5	1	7	15-22	16
8.	«Бухоро»	13	5	1	7	15-26	16
9.	«Металлурги»	13	4	2	7	13-25	14
10.	«Қисқоқ»	13	3	3	7	14-25	12
11.	«Машъал»	13	3	2	8	15-25	11
12.	«Андижон»	13	3	1	9	13-29	10
13.	«Сўғдиёна»	13	3	1	9	9-27	10
14.	«Самарқанд-Динамо»	13	2	0	11	13-28	6

чи даврдан кейинги вазият ўрин олган турнир жадвалини эълон қиламиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

**Чанқобосди ичимликлар**

**МУЗАЕККИНА  
АЙРОН**

Фасл ўз «ишини қилади». Ёз, кунлар исиб кетди, одамлар ўзларини куёнинг тигиз нуридан, оташидан тушган тандирдек, лорсиллаб турган ҳароратидан панага олишга, сўлим жойларда ҳордиқ чикаришга ҳаракат қилишади. Кўҳна замонлардан бери иссиқ минтақаларда яшовчи аҳоли аини жазирама паллаларда қақраб турган аъзоларга малҳамлик қилиб, тетиклаштирадиган жўн тайёрланувчи айрон ичимлигидан фойдаланиб келади.

Ўз давридаги тиб илмининг билимдони Ас-Саъиди-с-Самарқандий айроннинг ҳосиятларига баҳо бериб шундай дейди: «...Ҳаром қонни йўқ қилиб...» иштаха очувчи ва бадани семиртирувчи, иситманинг ҳароратини йўқ қилувчидур. Ва ҳаво ҳарорати зарарига нафъ қилиб, меъда ва юракнинг ёнмоғига таскин бериб, ташналикни даф қилур...».

Айроннинг танага манзурлиги, чанқобосдилик даражаси кўп жиҳатдан замин маҳсулотига ҳам боғлиқ бўлади. Манбаларда келтирилишича, ёғсизлантирилган сиргир суту қатигидан тайёрланадиган айрон татимли ичимлик ҳисобланади. Қизиғи шундаки, агар семизўтнинг уруғлари қуқунлаштириб айронга қўшилидиган бўлса, бундай омилдан истеъмол этилганда бир неча кунгача ташналикни даф қилиб,

сув ичишга эҳтиёж бўлмас экан.

Айрон тайёрлашнинг жўн усули. Қаймоғи олинган қатиқ ёхуд жайдари сузмами қайнатиб совутилган сув билан ёғоч қошиқ ёхуд чўмиқ воситасида обдон аралаштирилади, бўлса бироз ғўроб қўшилиди-да, сопол кўзаларда, салқин жойларда, совутгичда ёки муҳофазаланган кўлда оқар сувда «оқизок» сифатида сақланади. Чамаси бир коса қатиқ ёки сузмага 1 миёна пиёла сув олинади.

**ЯЙРАТМА ЧАЛОБ**

Ёзнинг оромбах суяқ таомларидан бири чалоб бўлиб, авваламбор чанқобосди, маълум даражада қувват бағишловчи, офтоб зарида таскинлик берувчи ҳосиятлари билан ажралиб туради.

Айни жазирама иссиқ кунлар тобини босиш учун чалоб тайёрланиб, ўз вақтида истеъмол этиб турилса, фойдадан холи бўлмайди. Чалоб тайёрланиши жуда осон. Бунинг учун чучүкрөк қатиқ ёки сузмага қайнатиб совутилган сув, янада манзурли маъданли сув қўшилиб яхшилаб аралаштирилади. Бу аралашмага, бориға қараб яхна гўшт, сувда пиширилган тухум, бодринг, пиширилган сабзи сомонча кўринишида ёки чорбурчакларга ажратилиб солинади. Тайёрланган чалобга ошқўқлар, жумладан барра пиёз, кашнич, лимонўт каби қўқатлар майдаланиб қўшилса, шунингдек таъбга яраша туз ва мурчлар солинса, ичимликнинг тибатлиги ошади. Одатда чалоб салқин жойларда, совутгичларда сақланади. Ҳар миҳозга ёқадиган чалобни тайёрлаш учун 1 литр атрофида қатиқ ёки 0.5

килоча сузма олиниб, унга 2 литр қайнатиб совутилган сув ёхуд маъданли сув олинади, 2 дона ўртача катталикдаги бодринг, пишириб олинган 2 дона сабзи, 1 дона тухум, таъбга қараб ошқўқ, туз, мурч олинади.

**РАЙҲОНАН ЧОЙ**

Айни жазирама, саратон кунларида райҳонли чойлардан ичиб туриш фақат чанқобосди бўлибгина қолмасдан, балки бир қатор хасталиклар давоси сифатида ҳам асқотади.

Жумладан, болгар олимларининг берган маълумотларига қараганда райҳонли чой гўш, экземааларнинг авж олишига хотима беради, яраларнинг тубулишига мойиллик яратади, қовуқ, бўйрак, пешоб йўллари яллиғланишида фойда беради, муртақ безлари шомоллаганида ижобий таъриқларини кўрсатади, безгак хуружидан фориг этади.

Одатда райҳон чой сифатида ишлатилишидан олдин салқин, ҳаво эркинлиги бўлган жойларда қуритиб олинади. Чанқобосди ичимлик тайёрлашда ошрайҳон ва хожирайҳонларнинг барглари маҳсулот сифатида тайёрланади. Кафтлар орасида қуқунлаштирилган райҳон баргларида 1 чой қошиқ миқдориде олиниб мўъжаз чой-накка солинган, сувига потиллаб қайнаб турган сув қўйилиб дам едирилади. Чамаси бир соатлардан кейин, ўз тафти билан совигаҳ, истеъмолга яроқли ҳисобланади.

Маннон НАБИЕВ,  
доришнунс

**Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис:  
Тошкент шаҳар  
ҳокимлиги

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 136-57-65,  
Факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 боёма таъвоқ офсет  
усулида боёқланади.  
2812 нусхада боёқланади. Қозғо бирини А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жумца кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашриети етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтабинти»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси боёқмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турки» кўчаси, 41-й.